290994

Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!

# ТУРКИСТОН

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий газетаси

1994 йил 14 сентябрь • Чоршанба • № 72 (14233) ترکستان TURKİSTAN

Сотувда эркин нархда

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

10 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Америка Қўшма Штатларининг АИГ компанияси бошқаруви раиси Морис Гринбергни қабул қилди.

Суҳбатда дунёга таниқли АИГ компанияси делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи ва юртимизда ўз ваколатхонасини очиш ҳамда қўшма суғурта компанияси ташкил этиш ҳақидаги таклифи маъқулланди.

Бу компания билан ҳамкорлик республикамизга келаётган хорижий ишбилармонларга ўз сармояларини суғурта қилишда катта имкониятлар яратиши таъкидланди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарлари Ў. Султонов, Б. Ҳамидов ва бошқа расмий кишилар иштирок этдилар.



**Суратда: қабул пайти.**
**Р. Нуриддинов тасвири.**

(ЎзА)

---

**РАСМИЙ ТАШРИФ МУНОСАБАТИ БИЛАН**

## ФАЛАСТИН ДАВЛАТИ ПРЕЗИДЕНТИ ЁСИР АРАФОТНИНГ ҚИСҚАЧА ТАРЖИМАИ ҲОЛИ

Ёсир Арафот 1929 йилда Фаластиннинг Ғазо минтақасида таваллуд топди.

1944 йилда Қоҳирадаги Фаластин талабалари иттифоқи (ФТИ) га аъзо бўлиб кирди.

1950 йилдан ФТИ ижроия қўмитаси аъзоси, 1956 йилдант мазкур иттифоқ раиси.

1955 йилда Қоҳира дорилфунунининг муҳандислик факультетини тамомлади.

1955-1957 йилларда Мисрдаги қурувчилик ширкатида ишлаган.

1956 йилда Миср армияси сафида Англия-Франция-Исроил кучлари босқинига қарши урушда иштирок этди.

1959 йилда Қувайтда "Ал-Фатх" сиёсий гуруҳига асос солди.

1968 йилдан Фаластин озодлик ташкилоти (ФОТ) ижроия қўмитаси раиси ва Фаластин халқининг йўлбошчиси.

1970 йилдан Фаластин инқилобий кучларининг Бош қўмондони.

1989 йилнинг 2 апрелида ФОТнинг бош органи – Фаластин миллий кенгаши Ёсир Арафотни Фаластин давлатининг Президенти, деб эълон қилди.

Инглиз ва француз тилларини яхши билади.

Оилали, фарзандлари бор.

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг матбуот шўъбаси**

## ДЎСТОНА ТАШРИФ

Ўзаро келишувга мувофиқ, шу йилнинг 14-15 сентябрь кунлари Фаластин давлатининг Президенти Ёсир Арафот расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасида бўлади.

Ўзбекистон халқи юксак меҳмонни самимий қутлаб, ушбу ташриф Ўзбекистон билан Фаластин ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилади, деб умид билдиради.

---

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР !

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Мамлакатингизнинг мустақиллик байрами муносабати билан шахсан ўз номимдан, Тунис ҳукумати ва халқи номидан энг эзгу тилакларимни изҳор этиб, Сиз жаноби олийларига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, ўзбек халқига тараққиёт ва фаровонлик тилашдан мамнунман.

Бу бахтли имкониятдан фойдаланиб, мамлакатларимиз ва қардош халқларимиз ўртасидаги дўстлик ҳамда ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга бўлган самимий истагимни яна бир бор таъкидлайман.

**Зайн ал-Обидин бин Али,**
**Тунис Республикаси Президенти**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Жаноб Президент!

Миллий байрам – Мустақиллик куни муносабати билан Сизга ва Сиз орқали халқингизга энг эзгу тилакларимни йўллайман. Сизга сиҳат-саломатлик, мамлакатингизга равнақ ва фаровонлик тилайман.

**Елизавета II,**
**Буюк Британия Қироличаси**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Мамлакатингизнинг миллий байрами муносабати билан Сиз жаноби олийларини Греция халқи ва шахсан ўз номимдан самимий қутлаб, Ўзбекистон халқига равнақ ва фаровонлик тилайман.

**Константинос Караманлис,**
**Греция Республикаси Президенти**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Жаноби олийлари!

Ҳиндистондаги Буюк Бобур авлодлари жамияти номидан ҳозирда ҳам биз учун улуғ оила авлодлари бўлиб қолаётган ўзбек халқига мустақиллик куни номаси ва қутловларини йўллашдан ғоят хурсандман.

Худди дарахт ўз уруғидан униб, кўкка интилганидек, Ўзбекистон ҳам тез орада юксак тараққиётга эришажак. Барча имкониятларингизни ишга солиб, шу саодатли кунларни яқинлаштиришга интилаётганингиздан хурсандмиз. Буюк пайғамбаримиз таълимотлари ва ҳадисларини ўрганмай туриб, асло камолот, мўл-кўллик ва хурсандчилик ҳақида ўйлай олмаймиз. Оллоҳ бизнинг ҳар бир ҳаракатимизни ҳисобга олиб туради ва барчамизга унинг хоҳишини бажо келтириб, соғлом фикр юритиш насиб этсин.

**Зиёвуддин Тусий,**
**Буюк Бобуршоҳ авлоди**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами – Мустақиллик куни муносабати билан самимий табрикларимни қабул этгайсиз.

Халқларимиз ўртасида анъанавий бўлиб қолган дўстлик ва ўзаро фойдали ҳамкорлик муносабатлари бундан буён янада ривож топишига ишончим комил.

Сизга чин қалбимдан бахт-саодат, масъулиятли фаолиятингизда муваффақият, ўзбек халқига эса тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Камоли эҳтиром ила,

**Леонид Кучма,**
**Украина Республикаси Президенти**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Жаноби олийлари!

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан самимий табрикларимни йўллайман, Сизга ва Ўзбекистон халқига бахт-саодат ҳамда муваффақиятлар тилайман.

Латвия Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги мавжуд дўстона муносабатлар мамлакатларимиз халқлари бахт-саодати йўлида бундан буён ҳам ривожланаверади, деб ишонч билдиришга ижозат бергайсиз.

Камоли эҳтиром ила,

**Гунтис Улманис,**
**Латвия Республикаси давлат Президенти**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Мамлакатингизнинг миллий байрами – Мустақиллик куни муносабати ила Сиз жаноби олийларига самимий табрикларимни йўллаётганимдан ғоят хурсандман. Сизга энг эзгу истакларимни изҳор этиб, сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, халқингизга тараққиёт ва равнақ тилайман.

Чуқур эҳтиромлар ила биродарингиз

**Муҳаммад Ҳусни МУБОРАК,**
**Миср Араб Республикаси Президенти.**

---

*Ҳамдўстлик мамлакатлари газеталари саҳифаларида*

## ЕТТИ ИҚЛИМ МАНЗАРАЛАРИ

### *ВОҚЕАЛАР. ОДАМЛАР. МУНОСАБАТЛАР*

**Таҳририятимизга келаётган аксарият хатларда хорижий мамлакатлардаги эътиборга молик ҳодисаларга кенгроқ ўрин ажратишимизни, хусусан қардош ёшлар, уларнинг турмуш тарзи, моддий оламга муносабатлари ҳақида ҳикоя қилишимизни сўрашган. Шунинг учун ҳам биз "Етти иқлим манзаралари" деган янги рукн очишга азм қилдик. Унда биз қардошлар ҳаётининг ҳеч бўлмаса бирон-бир қиррасини очиб берувчи жажжи материалларга ўрин ажратамиз. Қуйидаги туркум шу ният йўлидаги илк саъйи ҳаракатдир.**

**Озарбойжон — Арманистон:**

### ОЛТИ СОАТ ЯККАМА-ЯККА

Арманистон билан Озарбойжон Президентлари Левон Тер-Петросян ва Гайдар Алиевнинг икки томонлама кўламли муносабатлар ўрнатиш борасидаги Москва музокараларида Тоғли Қорабоғ билан боғлиқ муаммоларни изга солиш бош масалага айланди. Дафъатан икки давлат раҳбари олти соат мобайнида яккама-якка суҳбатлашишди.

Озарбойжон делегациясига яқин бир кишининг ИТАР-ТАСС мухбирига айтишича, музокаралар руҳи "хайрихоҳлик ва хатти дўстона вазиятда"дир.

**"Труд" газетасининг 166 сони**

**Туркманистон:**

### МУҲТАРАМ ПРЕЗИДЕНТ, СЕВИМЛИ ДОҲИЙМИЗ САПАРМУРОТ ТУРКМАНБОШИ!

1 сентябрь куни "Макон" саройида, студент-ёшлар ҳузурида сўзлаган нутқингизни аклу-шууримиз, юрак-юрагимизга жо этиб, ҳаётимизнинг дастуриламали деб қабул қилдик. Туркман халқининг қадриятларини асраш ва бойитиш хусусидаги доно маслаҳатларингиз ва кўрсатмаларингиз биз учун катта ҳаёт мактаби вазифасини ўтайди.

Доно Президентимиз Туркманбоши! Мард халқимизнинг шон-шавкатларга бурканган буюк ўтмиши, истиқлол кулиб боққан Ватанимизнинг тарихий илдизлари ва унинг порлоқ келажаги ҳақидаги ҳикоянгиз кўзимизни очди, аввал-ибтидомиз, тарихимиз, маданиятимизни теранроқ англай бошладик. Оташин сўзларингиз халқимизга, унинг қаҳрамонона ўтмишига, бугунги порлоқ ҳаётига, Сизга, Ватанимизни мустақил қилган Сиз—буюк доҳиймизга ҳурматимизни янада ошириб юборди.

Севимли доҳиймиз! Сизнинг фан, маориф, маданиятни ривожлантириш, студентлар турмуш даражасини яхшилаш борасидаги кўрсатмаларингиз мустақил давлат ва унинг доно раҳбарларининг бизга кўрсатаётган чексиз ғамхўрлигидан нишондир. Муҳтарам доҳиймиз ва валинеъматимиз, оталарча ғамхўрлигингиз учун Сизга миннатдорчилик билдирамиз.

Олий мартабали доҳий! Сизнинг қимматли ўгитларингиз, туркман халқининг имон-эътиқоди, маънавий поклигини сақлаш, инсонпарварлик ғояларингиз жонимизни ҳам аямай ўқишга, мустақил Ватанимиз, қаҳрамон халқимиз бахт-саодати, равнақи йўлида меҳнат қилиш ва курашишга даъват этади. Ажойиб ғояларингиз, қимматли маслаҳатларингиздан илҳомланган биз-ёшлар Сизни сидқидилдан ишонтириб айтамизки, ўз халқимиз ва Ватанимизга, унинг буюк Доҳийси Сапармурот Туркманбошига содиқ ўғил-қизлар бўлиб вояга етамиз.

Туркманистон, севимли ватаним, азиз юртим!

Сен ҳамиша фикру зикрим, юрагимдасан!

Зиғирча ёмонлик соғинсам, сенга қўл кўтарсам, қўлим синсин!

Шаънингга бир оғиз номақбул сўз айтсам, тилим кесилсин!

Муқаддас яловингга хиёнат қилсам, ўша заҳот тил тортмай ўлай!

**Мустақил Туркманистон талабалари.**
**"Туркменская искра" газетасининг 1994 йил 6 сентябрь сони**

**Ўзбекистон:**

### ОҚИННИНГ ЯНГИ МАЖМУАСИ

Томди туман босмахонаси Республика ёзувчилар уюшмаси аъзоси, номдор оқин Собит Жоманқараевнинг танланган сатирик ўланларини бир жилд остида нашр этишга киришди. Шу дамга қадар унинг "Шапалоқ", "Бул ким ўзи?", "Қурдошлар", "Ёшлар овози" сингари мажмуалари Алмати нашриётларида чоп этилган эди, эндигиси оқиннинг бешинчи китобидир. У мингдан зиёд нусхада ёруғлик кўради.

**Абсали ДЕВУЛИ,**
**"Азия" халықаралық газетининг 19 сони**

**Қозоғистон:**

### АРЗОН ЭНЕРГИЯ

Келаси йили Актўба электр узатиш маркази қуввати яна учдан бир ҳиссага ортади. Халқаро "АББ Крафтверке" акциoнерлик жамияти жамоаси электр узатиш марказида янги станцияни қуриш натижасида шундай катта ишни амалга оширадиган бўлди.

Бу электр энергияга бўлган эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда янги станция қурилиши мўлжалланди.

Бу ерда маҳаллий энергетиклардан тузилган "Актурбо" акционерлик жамияти жамоаси кучи билан қурилишнинг пойдеворини яратиш ишлари бошлаб юборилди. Асосий ишлар битгач, ГФРнинг "АББ" заводидан келтирилган асбоб-ускуналар ҳам ўрнатила бошланади. Кўп вақт ўтмай "Актўба"даги саноат туманларига юбориладиган электр энергиялар қуввати ортади. Уйлардаги чироқлар эса яна нурафшанроқ порлайди.

**"Егемен Қозоғистон" газетасининг 1994 йил 30 август сони**

**Қирғизистон:**

### ҲАЙКАЛТАРОШ НИГОҲИДА ТАРИХ

Таникли ҳайкалтарош Турғунбой Содиқов йигирма йилки Юсуф Баласағундан Қалия Молдабасановагача бўлган қирғиз халқининг тарихи акс эттирилган композиция устида ишламоқда. Композициядан 30дан ортиқ энг машҳур кишилар қиёфаси ўрин олган.

Бугунги иқтисодий танглик ҳукм суриб турган бир пайтда бундай катта ишга қўл уриш ҳар қандай ижодкорга насиб этавермайди. Турли корхона, ташкилот ва айрим кишиларнинг ҳомийлиги Турғунбой Содиқовга далда бўлди. Ҳозир унинг "Халқ гуллари" деб номланган композициясининг бўйи 10 метрни, узунлиги эса 17 метрни ташкил қилади.

Қирғизистон Республикасининг Президенти Асқар Акаев ҳам шахсан ҳайкалтарош устахонасига ташриф буюриб санъаткорнинг ишлари билан яқиндан танишди.

**"Слово Киргизистана" газетасининг 145 сони**

---

**ШУ СОНГА ХАБАР**

### РЕЖА БАЖАРИЛДИ

Қашқадарё бўйлаб хушхабар тарқалди: Китоб туманидаги "Зарафшон" ширкатлар уюшмаси деҳқонлари вилоятда биринчи бўлиб давлатга пахта сотиш буюртмасини бажарди. Омборларга 470 ўрнига 500 тонна қимматли хом ашё топширилди. Йиллик режа 18 иш кунида бажарилди. Абдуманноп Олимов, Зулфия Ҳусанова, Холмамат Эшмирзаев каби ижарачилар ҳар гектар ердан 32 центнердан ҳосил кўтарди. Хўжаликда йиғим-терим суръати кучаймоқда.

### "ФЕРУЗ" ЧОЙХОНАСИ

Саид Муҳаммад Раҳимхон Соний – Феруз таваллудининг 150 йиллиги арафасида Хива шаҳрида унинг номи билан аталувчи чойхона ишга тушди. Шаҳар шоҳбекати ёнгинасида шарқона услубда қурилган бу масканни 295-механизмлашган кўчма жамланма бунёдкорлари қисқа муддатда битказди.

Хива туман савдо ҳиссадорлик жамияти ташаббуси ва маблағи билан қурилган чойхонада миллий таомлар, ширинликлар тайёрланади.

### "ГЎЗАЛЛИК САЛОНИ"

Қўриқ Комсомолобод тумани марказида "Гўзаллик салони" очилди. Уни "Андижонводстрой" тресті қурувчилари қисқа муддатда бунёд этди. Гўзаллик масканида махсус курс ва билим юртларини битирган мутахассислар хизмат кўрсатмоқда.

### БОЛАЛАРИМИЗ СОҒЛОМ ЎССИН

"Соғлом авлод учун" ва "Маҳалла" хайрия жамғармаларининг Қашқадарё вилоят бўлимлари ташаббуси билан Қарши шаҳридаги "Нодирабегим" болалар боғчасида амалий семинар бўлди.

---

## МИРЗО УЛУҒБЕК ИЗЛАРИ ҚОЛГАН МАСКАН

Самарқанд фақатгина ўзининг кўҳналиги, гўзаллиги билан эмас, балки дунёга буюк сиймоларни берганлиги учун ҳам машҳурдир. Амир Темур Кўрагон, Мирзо Улуғбек Тарағай, Хўжа Аҳрор вали каби улуғ алломалар ҳақида сўз борганда хоҳлаймизми, хоҳламаймизми, Самарқанд шаҳрини эслаб, эҳтиром ила уни тилга олиб ўтамиз. Улуғбек зичи жуда қимматлидир, — деб ёзганди атоқли олим Ф. Боне, — чунки бу асар Самарқанд расадхонасида кузатиб аниқланган юлдузлар ҳолатларига асосланган....

Айни кунда жаҳон маърифат аҳлининг эътибори яна қадимий Самарқанд шаҳрига қаратилган. Чунки бу ерда улуғ аллома, юлдузлар илмининг султони Мирзо Улуғбек Тарағай таваллудининг 600 йиллик юбилей тўйига катта тараддуд кўрилмоқда. Бу улкан тантана олдидан кўҳна Самарқанд роппа-роса яна минг йилга яшариб кетгандай таассурот қолдиради. Шунинг учун ҳам биз буюк элнинг буюк шаҳрига фақатгина тўю-тантаналар ярашишига амин бўлиб турибмиз.

# ТАНЛАГАН ЙЎЛИМИЗ ОЙДИН

**Азиз НОСИРОВ,**
**Самарқанд шаҳар ҳокими**

Одатда, эзгу ва улуғ ишларга қўл уришдан олдин орқага бир назар ташлаб, бу борада амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинади. Йўл қўйилган хатолардан етарли хулосалар чиқарилади ва шулар негизида истиқбол аниқланади. Кейинги вақтлари эса шаҳримизда Ислом оламининг буюк намояндаси Хўжа Исмоил ал Бухорий таваллудига бағишланган тантаналар, соғлиқни сақлаш ходимларининг халқаро конгресси, хусусийлаштириш бўйича халқаро семинар бўлиб, улар кўпчиликнинг эътиборини жалб этди. Шунингдек, шаҳримизга кўплаб юртлардан олий мартабали меҳмонлар ташриф буюрдилар ва бизнинг ишларимизга ўз баҳоларини бердилар.

Энг асосийси, бозор иқтисодиётининг инқирозли даврида шаҳардаги корхона ва ташкилотлар иш маромида деярли узилишларга йўл қўйилмади. Маҳсулот ишлаб чиқариш суръати сусаймади. Бунга аввало ташкилотчилик, кейин корхоналарни хусусийлаштириш, ҳиссадорлик жамиятларига айлантириш ва уларни ижарага бериш сабабдир. Тўғри, айрим корхоналар раҳбарлари замона ўзгаришларини ўз вақтида тушуниб етмадилар, натижада шу жойларда кўплаб кишилар азият чекдилар. "Восток-лифт" қўшма корхонаси, 3-ёғочни қайта ишлаш заводи, "Гелион", "Самарқандсувқурилишиндустрия" бирлашмаси ва бошқалар шулар жумласидан. Энди бундайларга нисбатан талаб бошқача. Энди баҳоналар, тақчилликлар, етишмовчиликлар важ ўрнига ўтмайди. Корхонада раҳбармисан, ишингни уддала, халқингни боқ, режаларни бажар! Тамом! Йўқса, ўрнингни бўшат. Албатта, бу гап айримларга эриш туюлиши мумкин. Аммо муросасозлик билан олға силжиш, йўлдаги мураккаб вазифаларни бажариш амри маҳол. Президентимизнинг "Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳам ана шундан далолат беради. Фармонни амалга ошира бориб, биз бугунга қадар 1120 тага яқин корхона, ташкилот ва муассасаларни хусусийлаштирдик. Шойи ишлаб чиқариш бирлашмаси, қандолатчилик, тўқимачилик-атторлик, касаначилик, мебель фабрикалари, чўян заводи-пайчилик жамиятларига, "Красний двигатель" бирлашмаси, "СамРад" қўшма корхонаси, мевани саноат асосида қайта ишлаш заводи, Жума қум карьери, кучли насос ускуналари заводи-ижара корхоналарига айлантирилди. Ҳозир иқтисодий ислоҳотнинг бундай муҳим тадбирлари изчиллик билан давом эттирилмоқда.

(Давоми 3-бетда).



**Суратда: Мирзо Улуғбек расадхонаси. Унинг биринчи ғиштлари 1428 йил қўйила бошлаган.**
**Суратчи: Абдул Ғани ЖУМА.**

---

*Халқаро анжуман*

## ЗАМОН ТАҚОЗОСИ

12 сентябрь куни Тошкентда "Ўзбекистонда 2000 йилга қадар менежмент таълими" мавзусига бағишланган халқаро симпозиум очилди. Уни Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта таълим вазирлиги Европа ҳамжамияти комиссияси (тасис), шунингдек Тошкентдаги бир қанча олий ўқув юртлари ҳамда Бельгиянинг Левен шаҳридаги католик университет ташкил этган. Симпозиум ишида ҳукумат тузилмалари, республиканинг илмий ва ишбилармонлар доиралари вакиллари, олий ўқув юртлари олимлари, хорижий мутахассислар қатнашмоқда.

Симпозиумни республика Бош вазирининг ўринбосари, профессор С. Саидқосимов очди. У "Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида менежмент таълимининг аҳамияти" деган мавзуда маъруза қилди.

Беш кун давом этадиган мазкур симпозиумда Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишдаги йўлини батафсил муҳокама қилиш кўзда тутилган.

(ЎзА)

